

**ПРЕЗИДЕНТ И. КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ БИЛАН
СЎЗЛАГАН МАЪРУЗАСИНИ МАЗМУН-МОҲИАТИНИ ЎҚУВЧИЛАР
ОНГИГА СИНГДИРИШ**

Республика халқи ва раҳбариятининг оқилона сиёсати қатъиятлилиги, истиқболни кўра билиши туфайли мамлакатнинг давлат мустақиллигига эришуви тинч, демократик парламент йўли билан, ижтимоий ларзаларсиз, қурбонлар ва вайронагарчиликсиз амалга ошди. Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатда бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш ишига изчил киришилди. Ўзбекистон тараққиётининг “Ўзбек модели” ишлаб чиқилди. Бу моделнинг асосчиси Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовдир. Модель иқтисодиётни мафкурадан ҳоли этиш, сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлат бош ислохотчи, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий-сиёсат юргизиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланади. Ана шу тамойилларга асосланган Ўзбекистонда мустақиллик йилларида барча соҳаларда жадал ривожланишлар амалга оширилмоқда. У иқтисодиёт ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча йўналиш ва тармоқларидаги туб ўзгаришлар билан мустаҳкам боғлангандир.

Бундан йигирма тўрт йил аввал халқимизнинг асрлар давомида қалбида сақланиб келаётган тарихий орзуси амалга ошди. Ватанимиз мустақилликка эришди, халқимиз қарамликдан қутилди, бизга озод ва обод, эркин ва фаровон мамлакатда яшаш ҳамда уни фарзандларимизга қолдириш бахти насиб этди.

Ўзбекистон мустақиллик томон йўл тутар экан, биринчи кўнлардан бошлаб унинг тепасида Президентимиз тўрди. Асрларга тенг шу қисқа вақтда эришилган ютуқлар: мамлакатда ўрнатилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик, тарихий, диний қадриятларимизнинг тикланиши жамиятда ўрнатилган осойишталикни, мустақил Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамжамиятда тўтган ўрнининг ортиб

боришини бутун халқимиз, жаҳоннинг йирик давлат арбоблари Ислом Каримов номи билан бозлайди.

СССРда, чунончи, Ўзбекистонда социалистик тизим, коммунистик мафкура ҳар томонлама инқирозга учраб, зиддиятлар билан тўлиб-тошиб турган бир пайтда И.А.Каримовнинг, аввало, Ўзбекистон Компартияси раҳбарлигига (июнь, 1989 йил), кейин Президентлик лавозимига (март, 1990 й.) тайинланиши бежиз эмас эди. Вақти, соати етган, лекин жон сақлаш учун ўзини ҳар томонга ураётган, ҳеч нарсадан қайтмайдиган истибдод тизимидан жафокаш халқини, эзилган эл-юртини мустақилликка чиқариш учун совет тўзумининг иқир-чиқиригача тушуниб етган катта журъат эгаси, довюрак Ислом Каримовдек раҳбар керак эди.

1992 йил Москванинг «Комсомольская правда» газетаси мухбири: «Мухолифларингиз сизни тоталитаризмда айблаб танқид қилмоқда», деса унга жавобан И.А. Каримов: «Ҳа, мен бунга яхши биламан. Мухолифларим мени диктатор қилиб кўрсатишни жуда хоҳлайдилар. Тан оламан, эҳтимол менинг ҳаракатларимда авторитаризм нишонлари бордир. Аммо мен бунга фақат бир нарсга билан изоҳлайман: тарихнинг муайян давларида, ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган пайтда, аниққас, бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида ҳар ҳолда кучли ҳокимият зарур. Қон тўқилишига ва қарама-қаршиликка йўл қўймаслик, минтақада миллатлараро ва фуқароларнинг тотувлиги, тинчлиги ва барқарорлигини сақлаш учун шундай бўлиши зарур. Бу йўлда мен жонимни фидо қилишга тайёрман», деб жавоб берган эди.

Ўзбекистон халқининг истиқлол йилларида эришган энг катта ютуғи-мамлакатда ўрнатилган тинчлик, осойишталик, тартиб-интизомдир. Республика аҳолисининг деярли аксарияти (97,5 фоизи) бундай шароитга бевосита И.А. Каримовнинг етакчилигида эришилди деб ҳисоблайди.

Ислом Каримовнинг ҳар бир асари, маъруза ва мақолалари бозор муносабатларига асосланган демократик жамият қуришнинг назарий асосларини, амалий ишларнинг кундалик дастурини ташкил қилади.

1991 йил 31 август куни Президент Ислом Каримов Олий Кенгаш сессияси минбаридан туриб: “Мен шу бугундан эътиборан 1 сентябрни республикамизда Мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилишни таклиф этаман.

Бу байрам, халқимизга муборак бўлсин, азиз юртдошларим!

Бу байрам абадул абад бўлсин!”, - деган хитоби жаҳон узра акс садо берди. **Бў эса, дунё харитасида истиқболи порлоқ, озод ва эркин, мустақил Ўзбекистон давлати пайдо бўлганидан нишона эди.**

Мустақиллик деган олий неъмат тинимсиз курашлар, изланишлар, интилишлар, қизғин баҳс ва мунозаралар натижасида қўлга киритилганлигини мухтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асаридан ўқиб, билиб, мустақилликни асраб-авайлаш ҳар бир инсоннинг ватанпарварлик бурчи эканлигига иймон келтирамиз.

Халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати, истиқлол зояларига садоқатини намоён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонганини таъкидлаш жоиздир.

Мамлакатимиз ана шу қутлуғ кунга эришганига йигирма тўрт йил бўлди. Ўтган ҳар бир йилда Президентимиз раҳнамолигида халқимиз томонидан асрларга тенг улкан ишлар амалга оширилаётганлигини жаҳон ҳамжамяти ҳам ҳақли равишда эътироф этмоқда. Ҳатто, иқтисодий соҳанинг йирик мутахассислари томонидан Ўзбекистонни Осиёнинг бўлажак йўлбарси деб рамзий маънода тавсифланиши юртига содиқ ҳар бир кишининг кучига куч қўшиб, қалбини қувончларга тўлдиради.

Ўзбекистондек обод ва эркин диёрда туғилиб, яшаш бахтига муяссар бўлиш тақдиримизга битилганлигига шукроналар айтиб, мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда эришган

оламшумул муваффақиятларимизни кенг омма, айниқса ёшлар онгига чуқур сингдириб бориш ҳар биримизнинг ватанпарварлик бурчимиздир.

1991 йил 31 август куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чақириқ навбатдан ташқари 6 - сессиясида Президент Ислом Каримов ўз маърузасида, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тантанавор эълон қилди. Шунингдек, сессияда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида” қарор, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида” Олий Кенгаш баёноти қабул қилинди ҳамда сессия “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонунни тасдиқлади. Сессия 1-сентябрь – Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни - умумхалқ байрами деб эълон қилганлиги билан тарих саҳифасига абадий битилди.

Шунинг учун 1 сентябрь халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида ниҳоятда муҳим ўрин тутадиган, ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрам сифатида нишонланадиган қутлуғ айёмдир.

Бу йил халқимиз Давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик тўйини катта ифтихор ва шоду хуррамлик билан кенг нишонлайди. Ушбу кунни тантанавор нишонлаш мақсадида Президент Ислом Каримов томонидан 2015 йил 17 июль куни «**Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 24 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида**» ги қарор қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, мустақилликнинг 24 йиллигини нишонлаш **“Бетакроримсан, яғонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!”** деган ғояни ўзида мужассам этган шиор остида ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш ва кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда амалга ошириш бўйича жойларда тадбирлар ўтказилиши асосий вазифа қилиб топширилган.

Биз учун энг улуғ, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик байрамини пойтахтда ва жойларда ҳар томонлама чуқур тайёргарлик билан кутиб олиш мамлакатимизда эзгу анъанага айланиб қолган.

Ҳақиқатан ҳам, умуммиллий байрамимиз бўлган бу қўтлуг сана ҳақида сўз борар экан, ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни, амалга оширилган ишларимизни ҳолисона сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларга, аввало, қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига эришганимизни яна ва яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказишимиз табиийдир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 24 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ўтган йиллар мобайнида эришилган оламшумул ютуқ ва натижаларимизни, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудратини, унинг халқаро майдонда юксалиб бораётган нуфузини, амалга оширилаётган туб ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламлари онига чуқур сингдириш қарорда белгиланган долзарб масаладир.

Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли – **“Ўзбек модели”** нинг мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танланганини, ўтган йиллар давомида бу йўл юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятимиз ҳаётида синовдан ўтиб, амалда ҳар томонлама ўзини оқлагани ва бугунги кунда амалий натижасини бераётганини аҳоли ўртасида ўтказиладиган ташвиқот-тарғибот ишлари, жонли суҳбат ва мулоқотларнинг асосий йўналиши, деб қабул қилинди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб белгилаб олинган **“Ислохот – ислохот учун эмас, аввало, инсон учун”**, деган даъват юртдошларимиз қалбидаги эзгу орзу-интилишларни яққол ифода этиб, олижаноб халқимизни ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлида сафарбар этгани, юртдошларимизнинг юрагига чуқур кириб боргани, истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор берилди.

Мустақилликка эришиш арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида, мамлакатимиз кескин ижтимоий муаммолар гирдобидида қолиб

кетган таҳликали бир пайтда мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш мақсадида амалга оширилган ислохотлар ўз моҳиятини намоён қилди. Жумладан, ғоят оғир айни ўша шароитда аҳолига қўшимча томорқа ерлари ажратиш ҳақидаги Фармон ва қарорлар қабул қилингани, шу асосида Ўзбекистон бўйича 2,5 миллион оилага ҳаммаси бўлиб 700 минг гектар суғориладиган ер томорқа сифатида хусусий мулк қилиб берилгани, кишлоқларимизда ижтимоий муаммоларни ечиш, айтиш мумкинки, жар ёкасида турган юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишда улкан тарихий кадам бўлганини чуқур англаш керак. **Ана шундай ўзгаришлар тўғрисида одамлар дунёда адолат ва ҳақиқат борлигига, мустақиллик ҳар қайси оила, бутун халқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, қийинлашган бебаҳо неъмат эканига чин дилдан ишонч ҳосил қилгани ва шу каби бошқа мисолларда мустақиллик, деган буюк тарихий ҳодисанинг қадр-қиммати ва аҳамияти қай даражада эканлигини англаш мумкин.**

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримовнинг ғоялари, ташаббуслари ва бевосита раҳнамолиги остида амалга оширилаётган барча ислохотлар, амалий саъй-ҳаракатлар биринчи навбатда, инсон учун, унинг манфаатлари, фаровон ҳаёти, хавфсизлиги ва орзу-умидларининг рўёбга чиқиши учун қаратилгандир. Мамлакатимизда режалаштирилган барча ишлар, амалга оширилаётган ислохотлар мазмунининг бош мақсади инсон ва унинг порлоқ ҳаётини таъминлашга йўналтирилди. Халқимиз «**Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт**» барпо этишдек бош ғояни дастуриламал қилиб, йигирма тўрт йил мобайнида барча соҳаларда изчиллик билан бунёдкорлик ишларини амалга ошираётганлиги жаҳон аҳлининг назаридадир.

Юртбошимиз ўтган йиллар мобайнида қилган маърузаларида, асарларида мамлакатнинг истиқболини белгиловчи тараққиёт ғояларини илгари сурди. Жумладан, «**Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли**» асарида мамлакатнинг 16 йиллик тараққиёт йўлини икки даврга бўлиб теран таҳлил қилди. **Биринчи давр: 1991-2000 йиллар бўлиб, бу давр миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ ислохотлар ва**

Ўзгаришларни қамраб олади. Иккинчи давр: 2001-2007 йиллар бўлиб, мазмунан мамлакатда фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилишни амалга ошириш даври бўлди. Ўзбекистоннинг танлаган ўзига хос ва ўзига мос йўли хорижлик йирик иқтисодчи ва сиёсатшунос олимлар томонидан, хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ниҳоятда ҳаётий эканлиги эътироф этилди.

Тараққиётнинг ўзбек модели биргина иқтисодиётнинг ривожланиш йўлини белгилаш билан чекланмайди, у давлат ва жамият қурилишини ҳам, маданий- маънавий меросни тиклаш ва ривожлантиришни ҳам, янги инсонни – баркамол авлодни тарбиялашни ҳам, умуман, жамият ҳаётини тубдан янгилашнинг барча масалаларини қамраб олади. Ўзбек моделининг олий мақсадларини Президентимиз томонидан таърифлаб берилган миллий ғоя тўла маънода ифодалайди. Айни чоғда, тараққиётнинг ўзбек моделини яратиш билан бир қаторда миллий ғояни, унинг асосий тушунча ва тамойилларини шакллантириш Юртбошимизнинг илмий-назарий ва сиёсий раҳбарлик фаолиятининг энг юксак чўққиси бўлди¹.

Жаҳон тажрибаларидан маълумки, ҳар бир давлатнинг мустақил тараққиёт йўли қабул қилинган халқаро меъёрларга жавоб берадиган Конституциясининг мавжудлиги билан белгиланади. Шунинг учун Президент Ислом Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича комиссия тузилди. Комиссия деярли икки ярим йил давомида Конституция лойиҳасини тайёрлаш устида иш олиб борди, тайёрланган лойиҳа 1992 йил сентябрда матбуотда эълон қилинди ва уч ой давомида умумхалқ муҳокамасида бўлди. Лойиҳага халқ томонидан 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Республика Олий Кенгашининг XI сессияси 1992 йил 8 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш тўғрисида”ги Қонунни тасдиқлади ва Конституция қабул қилинган кун - 8 декабрь умумхалқ байрами деб белгиланиб, дам олиш куни сифатида эълон қилинди.

¹ Қашқадарё вилояти истиқлол йилларида. Т.: Маънавият, 2007, 7-б.

Президентимиз айтганидек, Асосий Қонунимиз ҳуқуқий давлат қуриш йўлига ўтишимизнинг пойдеворини қуриб берди. Қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мазмунан жаҳон экспертлари томонидан юқори даражада, халқаро ҳуқуқ меъёрларига, демократик тамойилларга мос эканлиги эътироф этилди.

Мамлакатда давлат рамзлари тўғрисида қатор қонунлар ишлаб чиқилди. Жумладан, 1991 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”, 1992 йил 2 июлда “Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тўғрисида”, 1992 йил 10 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси тўғрисида” ги Қонунлар қабул қилинди.

1992 йил 2 март куни халқимиз тарихида унутилмас кун бўлди. Бу куни Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳақиқий аъзолари сафига қабул қилинди. БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳи олдида мустақил Ватанимизнинг байроғи ҳилпирай бошлади. Байроқнинг ҳилпираши жаҳонда Ўзбекистондек келажаги буюк мамлакат барпо бўлганлигининг белгиси эди. 1993 йил февралда Тошкентда БМТ ваколотхонаси очилди. Ўзбекистон Президенти илк бор 1993 йил 28 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлади. Жонажон она тилимиз мустақилликнинг абадий рамзи сифатида жаҳон узра акс садо берди.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида жаҳонда халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг фаол иштирокчиси сифатида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Президент томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ), Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ), НАТО (СЕАП) ва бошқа бир қатор ташкилотларда билдирилган ташаббуслар нуфузли сиёсатшунослар томонидан эътироф этилмоқда. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви туфайли дунёнинг 140 дан ортиқ мамлакати билан савдо алоқаларини йўлга қўйди, 40 га яқин мамлакатлар билан ихтиёрий савдо тартиби ўрнатиш ва инвестициялар жалб этишда келишувларга эришди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган меъёрларга тўла амал қилинган ҳолда мамлакатимизда истиқлол йилларида фуқаролик жамияти институтлари ташкил этилди. Бугунги кунда уларнинг сони 5 мингдан ортиқдир. Ҳукуматга қарашли бўлмаган бу ташкилотлар юртимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёллар ва ёшларнинг иштирокини фаоллаштириш, ижтимоий-иқтисодий, гуманитар экологик масалаларни ҳал этиш, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида иш олиб бормоқда². Жумладан, юртимиздаги 306 та республика аҳамиятига молик жамоат бирлашмасининг 64 таси халқаро ташкилот мақомига эга. Жамоат бирлашмаларининг 48 таси жамғарма, 78 таси жамият, 4 таси сиёсий партия, 42 таси федерация, 16 таси қасаба уюшмаси, 2 таси ҳаракат, 20 таси марказ, 48 таси ассоциация, 20 таси уюшма, 5 таси қўмита ва яна 22 таси бошқа турли номлар билан рўйхатдан ўтган³.

Тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарилган оммавий ахборот воситаларининг сони кейинги ўн йилнинг ўзида 1,5 баробар, электрон ОАВларнинг сони эса 7 баробар кўпайиб, 1200 тага етди. Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат ОАВлари ҳисобланади. ОАВлари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 тилида фаолият олиб боради. Мамлакат аҳолисининг 6 млн.дан ортиғи Интернет тизимидан фойдаланаётгани ҳам юртимизда ахборот - ресурс воситалари ривожига кенг кўламда эътибор берилаётганлиги билан аҳамиятлидир. Хусусан, Президент томонидан 2011 йил 30 декабрда “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш” тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши бу соҳадаги дадил қадам бўлди.

²Саидова Х. Конституция ва фуқаролик жамияти // «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари», 2008, 1-сон, 14-15- б.

³Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Т.: 2010, 9-10- б.

Мустақиллик йилларида сайлов жараёнини демократлаштириш соҳаси ҳам такомиллаштириб борилди. Қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунга кўра уларнинг қонуний ваколатлари кенгайтирилди ва қонун доирасида ҳокимият учун курашишига шароит яратилди. Қонунчилик палатасидаги депутатлар ўрни 120 тадан 150 нафарга кўпайтирилди. 2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси учун бўлиб ўтган сайлов якунларига кўра 150 нафар депутат қуйидаги партиялардан сайланди:

- Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати-Ўзбекистон Либерал - Демократик партиясидан 53 нафар;

- Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 32 нафар;

- Ўзбекистон «Миллий тикланиш» партиясидан 31 нафар;

- Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан 19 нафар.

- Ўзбекистон экологик ҳаракатига 15 та ўрин ажратилди. Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг 33 нафари (22%), сенатда эса 15 нафари хотин-қизлардир.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, **«Сайловлар – бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлик демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир»⁴.**

Бўлиб ўтган сайловлар мамлакатимиз фуқароларининг мустақиллик йилларида юксак ижтимоий-сиёсий онги тобора ўсиб бораётганини, халқимиз жамиятни ислоҳ этиш жараёнларини янада чуқурлаштиришни қўллаб-қувватлаётганлигини яна бир бор намоёниш этади.

2015 йил “Кексаларни эъзозлаш йили” да ҳукуматимиз тайёрлаётган дастурда кекса авлод вакиллари, аввало, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат

⁴Каримов И. А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19, Т.: Ўзбекистон, 2011, 78-б.

фронти фахрийларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга кўрсатиладиган тиббий ва ижтимоий хизмат даражаси ва сифатини ошириш, мухтожларни ёрдамчи ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш, туманлар ва маҳаллаларда қарияларимиз учун мулоқот марказлари, уларнинг кизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, турли клублар ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароитлар яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилиши лозим.

Бугунги тинч ва обод ҳаётимизни барпо этишга бекиёс хизматлари сингган, хонадонларимизнинг файзи бўлган мўътабар кексаларимизнинг фаровон ва муносиб умр кечиришлари учун кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки инсоний бурчимиз, деб қабул қилишимиз даркор.

Шу борада маҳаллалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кексалар ва ногиронларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатадиган тузилмаларини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратиш лозим.

Бунда турли муассаса ва хизматлар, биринчи навбатда, пенсия, ижтимоий таъминот ва тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва зарур даражада назорат қилиш масалалари назарда тутилиши керак.

Биз мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилаш борасидаги ишларимизни давом эттириш ва янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини изчил юксалтириб бориш бўйича 2015 йилда ва ундан кейинги йилларда ўз олдимизга юксак, айна вақтда аниқ мақсад ва вазифаларни қўймоқдамиз.

Мўхтасар қиладиган бўлсак, 2015 йилнинг юртимизда “Кексаларни эъзозлаш йили” деб номланиши халқимизнинг миллий табиати, миллий руҳи, яшаш тарзи ва миллий онгига ниҳоятда мос тўшади. Шунинг учун, мазкур қўлланма “Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!” ишори ҳолатида белгилаб берилган ўстўвор йўналишларни

ҳаётга татбиқ этишда жисмонан соғлом, маънан баркамол авлодни тарбиялашда зиммамизга юклатилган масъулиятни асраб-авайлаб, ҳар томонлама самарали фаолият олиб боришимиз замон талаби эканлигини чуқур тушунишимизга хизмат қилади, албатта.

ХУЛОСА

Ҳар бир ўқитувчи ва маърузачи мустақилликнинг йигирма тўрт йили давомида мамлакатимизда эришилган муваффақиятларни Президент асарлари, Олий Мажлис қарорлари, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётини акс эттирувчи илмий-методик ҳамда ушбу қўлланма материалларидан фойдаланган ҳолда маҳаллалар, туманлар, вилоят мисолида кенг оммага тушунтириб бериши, мавзунини ёритишда замонавий кўргазмалар воситалардан, маърузанинг электрон вариантдан фойдаланиши тавсия этилади.

ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори ҳар бир таълим муассасаси, ишлаб чиқариш корхонаси ва маҳаллаларда ўрганилиши кенг йўлга қўйилиши;

- мустақилликнинг йигирма тўрт йили давомида мамлакатда эришилган муваффақиятларни омма онига сингдириш учун семинар ва анжуманлар ташкил этилиши;

- мамлакатда мустақиллик йилларида қурилган замонавий иншоотлар, ҳиёбонлар, таъмирланган маданий обидалар билан танишиш учун саёҳатлар ташкил этилиши;

- таълим муассасалари, корхоналар ва маҳаллалар йигирма тўрт йил давомида мамлакатда эришилган муваффақиятларни акс эттирувчи кўргазмалар, плакатлар билан жиҳозланиши;

- таълим муассасаларида тарбиявий ишлар мазмуни “Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!” шиори асрий ғояси асосида ташкил этилиши;

- ижтимоий-гуманитар фанларда ўтиладиган мавзулар мазмунига мустақиллик йилларида мамлакатда, вилоятда, туманлар миқёсида амалга оширилган ишлар ҳаётий мисоллар асосида сингдириб борилиши;

- маърузачи тингловчиларнинг мутахассислигини эътиборга олган ҳолда, қўлланмада келтирилган маълумотларнинг уларга алоқадор қисмини кенгрок мазмунда ёритиши;

- **“Мустақиллик дarsi”** ни ўтувчи ўқитувчи дарсни ўтишда ҳар бир синф ўқувчиларининг билим, кўникма ва малака даражасидан келиб чиққан ҳолда, қўлланмада келтирилган маълумотлардан фойдаланиши лозим бўлади.